

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИНСТИТУТИ

**“АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”**

мавзусидаги филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Сувон Мелиевнинг 70 йиллик юбилейи муносабати
билан ўтказилган Республика илмий-назарий онлайн
анжумани материаллари

(2022 йил, 28 февраль)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2022

УЎК:511.102(5.010.13:325)

КБК:76.2

Тахрир ҳайъати:

Мархабо ҚЎЧҚОРОВА, Эргаш ОЧИЛОВ, Гулноз САТТОРОВА, Барчин ШУКУРОВА.

Масъул муҳаррир:

Мархабо ҚЎЧҚОРОВА, филология фанлари доктори

Нашрга тўплаб, тайёрловчилар:

Барчин ШУКУРОВА, таянч доктарант
Ғулом АТАДЖАНОВ, мустақил изланувчи

Такризчилар:

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди
Абдурасул ЭШОНБОБОЕВ, кичик илмий ходим

Севинч ЁҚУБОВА,
Алишер Навоий номидаги
ТошДЎТАУ таянч докторанти

ФИТРАТОНА ПОЭТИК ТАЛҚИНЛАР

Абдурауф Фитрат (1886-1938) – шоир сифатида форсча-тожикча шеърлардан иборат бўлган “Сайҳа” (“Чорлов”, 1911) номли китобини нашр қилдирган. Ўз даврида ўзбек тилида ҳам унинг йигирмага яқин шеърлари, сочма – мансуралари, “Шарқ” номли ихчам достони чоп этилган. Шоирнинг “Юрт қайғуси” туркуми, “Ким дейин сени?”, “Бир оз кул”, “Аччиғланма деган эдинг”, “Миррих юлдузига”, “Овунчоқ”, “Ишқимнинг тарихи”, “Яна ёндим”, “Нега бўйла?”, “Шоир”, “Беҳбудийнинг сағанасини изладим”, “Парча”, “Ўгут”, “Шарқ” каби миллатпарварлик, ватанпарварлик руҳидаги даъваткор руҳдаги миллий шеърлари, асосан, “Хуррият” газетаси ва “Ўзбек ёш шоирлари” (1922) тўпламидан ўрин олган. Ушбу мажмуага кирмаган, аммо руҳан юқоридаги асарларга жуда яқин бўлган “Ўқитғучилар юртига”, “Қор”, “Менинг кечам” шеърлари эса, Фитрат “Танланган асарлар”ининг биринчи жилдига киритилган¹²⁶. Улар яхлит ҳолда кузатилса, Фитратнинг етук шоир эканига иқрор бўлинади. Биз мақола ҳажмидан келиб чиқиб, шоирнинг Хуррият газетаси 1917 йилги сонларида чоп этилган “Юрт қайғуси”¹²⁷ номли мансураларини кузатиш билан чекланамиз¹²⁸.

Маълумки, мансур – арабча сўз бўлиб, сочилган, тарқоқ, яъни наср ҳолига келтирилган, деган маънони англатади. Бизнингча, Фитрат ўз лирик кечинмаларини сочма бадий нутқ шаклида ифодалар экан, насрий шеърда оний ҳолат тасвирлангани учун уларни мансура деб номлаган. Зотан, насрий шеърнинг энг муҳим хусусиятлари: *муаллиф нутқи ҳис-туйғуга бой, маълум ритмик қонуниятга мос, ўзига хос интонацияга эга, эмоционал бўёқлар устувор, пауза кўп, алоҳида сўз бир ёки бир неча гапга тенг келиши, сўзлар ёки гап кўпинча сўроқ ва ундов оҳангига эга бўлиши* сингари жиҳатларда намоён бўлади. Шунинг учун насрий шеър баъзан лирик наср деб юритилади. Ўзбек адабиётида Фитрат бошлаб берган бу анъана Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Миртемир ижодида муваффақиятли давом қилдирилди. Кейинчалик И.Ғафуров шу йўсиндаги ижод намуналарини мансуралар деб номлади.

Масалага кенгроқ планда қаралса, Хитой миллий адабиёти асосчиси Лу Синнинг “Ёввойи ўтлар” (1927), швед шоири Артур Нильсинг “Оқар сувда кўрганларинг” (1978) каби шеърӣ тўпламлари ҳам лирик насрнинг гўзал намуналари экани ойдинлашади. Демак, мансура ижтимоӣ давр муаммоларини ифодалашга қулай шакл ва дунё адабиётига хос жанрдир.

Агар эътибор берилса, А.Қодирӣ, Чўлпон ва Ойбек романлари яшовчанлик касб этиши улардаги лирик ҳарорат ҳамда нафосат ёғдуларининг жилваси билан белгиланади. Т.Мурод романларининг севиб ўқилиши ҳам, адиб услубида ритмик наср белгилари устуворлиги, жаҳон

¹²⁶ Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1- жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, проф. Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 31-45 (Мақолада келтирилган иқтибослар шу нашрдан олинди, саҳифа кўрсатиб борилди. – С.Ё.)

¹²⁷ Фитрат. Юрт қайғуси (Сочма) // – Хуррият, 1917. 28 июль. 26-сон. (Фитрат “Адабиёт қоидалари”да бу асарнинг жанрини “мансура” деб белгилайди. – С.Ё.); Фитрат. Юрт қайғуси (Бир ўзбек тилидан) // Хуррият, 1917. йил 18 август, 31- сон; Фитрат. Юрт қайғуси (Темур олдинда). – Хуррият // 1917 йил 31 октябрь, 47-сон.

¹²⁸ “Хуррият” газетасига 1917 йилги 27-сонидан эътиборан Фитрат муҳаррирлик қилган. Ҳ.Болтабоев берган маълумотларга кўра, бу даврда газетада унинг қирққа яқин публицистик мақолалари, тўртта ўзбекча ва икки форсий шеъри эълон қилинган. Улар орасида “Юрт қайғуси” (// Хуррият, 1917. 29 декабрь. 62-сон) номли аруз вазида ёзилган шеър ҳам бор. Манзума сочмада битилмагани боис, мақолада махсус таҳлилга тортилмади (С.Ё.).

наsrининг энг яхши тажрибалари миллий-адабий анъаналар билан бойитилгани билан боғлиқ ходисадир. Умуман, наср ва назмнинг ўзаро бир-бирига яқин шакллари мавжудлиги айни ҳақиқат. Муҳими, лирик насрда шеърятга хос нафис туйғу ва оҳанглар устуворлик қилади. Сочма, сарбаст ёки эркин шеър эса лириканинг насрга хос белгиларига эга бўлган шакллари саналади.

Фитратнинг илк сочмаси Турон ўлкасига қарата айтилган:

“ – *Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!*”, деган ўтли мурожаат билан бошланади (31-б.). Мансура ёзилган даврда туриб, мустамлака кишанлари остида ўз шонли ўтмишини-да унутаёзган Ватан қисмати муҳокама қилинади. Фитрат хаёлий суҳбат-мулоқотда Буюк султонлар – мўғул хукмдори Чингизхон, Турон султони Амир Темур, қадимги турк хоқони Ўғузхон, хун хоқони Отиллалар учун кадрдон бешик бўлган, “урҳо”лари билан дунёни титратган улуғ Турондан бу муқаддас заминнинг куллик чоҳига тушиб қолиш сабабларини сўрайди. Бу суҳбат муаллифнинг қалб нидоси, муайян маънода, нажот излаган кишининг илтижо-муножотига ҳам менгзаб кетади.

Бинобарин, мансуранинг ўқувчи қалбига ёвуқлиги унинг руҳидги ибодат ва дуога яқинликка боғлиқ бўлса ажаб эмас. Фитрат Шарқ мумтоз адабиёти ва мусиқасининг чуқур билимдони сифатида муножотда нажот умиди, тавба ва илтижолар тангрига оташин мурожаат шаклида ифодасини топишини яхши биларди. Агар мумтоз адабиётда муножот кўпроқ эпик ҳамда лиро-эпик асарларнинг бош – муқаддима қисмида Аллоҳга ҳамд ва пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) га наътдан олдин келтирилган бўлса, Фитрат бу усулга ижодий ёндашиб, уч қисмдан иборат яхлит асар яратди. Шоир муножотни мустақил асарга айлантиришда эпик дostonчилик ва Алишер Навоий анъаналарига эргашиш билан чекланмай, ўзбек мумтоз чолғу куйлар туркуми бўлган муножотлар ҳам уч асосий қисм: “Муножот”, “Савти Муножот” ва “Уфари Муножот”дан таркиб топишига алоҳида эътибор қаратган. Ўз майл ва эътиқодини шу уч қисмнинг яхлит бирлиги негизда намоён қила олмаган ёхуд битганларидан тўла коникмаган шекилли, худди “Савти Муножот”дан кейин “Оромижон” номли куй улангани каби шоир “Юрт қайғуси”нинг тўртинчи – шеърый қисмини ҳам ижод қилган.

Фитрат муножотининг ўзига хос жиҳати лирик қаҳрамон мурожаати тўғридан-тўғри Аллоҳга эмас, унинг суюкли бандаларига қаратилганида ҳам намоён бўлади. Шунга қарамасдан, муножот қилаётган ҳожатманднинг сўрови ёлвориш тарзида юзага чиқиб, сўнгра шиддатли тус олади. Ғоят жозибали ва бадий жиҳатдан мафтункор бу асар ижтимоий-хаётий моҳият касб этиб, ўз ижодкори лирик кайфиятини акс эттиради. Шоир “*арслонлар ўлкаси*”, “*хоқонлар ўчоғи*”нинг “*Ер тупроғини кўкларга учиратурган тоғ гавдали ўғлонлари*”, “*чақмоқ чақишли ботир хоқонлари*”, “*ўқ юрушли, отли беклари*” – “*Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир турклар*”ни излайди. Кураш майдонидан уларни тополмай изтироб чекади ва:

“ – *Нечун... Нечун... нечун...? Гапур менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!*” – деган ўртагувчи саволларни ўртага ташлайди (31-б.). Демак, аждодлари Улуғ салтанатлар бунёд этиб, бир пайтлар Ҳиндистон, Эрон ва ҳатто Оврўпони ҳам ўз қаноти остига олган юртнинг забун аҳволга тушиб қолиши сабабларини излайди. Замин сарҳадларига тарқаб кетган саксон миллионлик туркий миллатни қайтадан умидлантириш, курашга руҳлантириш ва бирдамликка даъват этиш учун “*Тангри ҳаққи*” қасамёд қилади.

“Юрт қайғуси” (Бир ўзбек тилидан) мансурасида Фитрат муқаддас Турон юртини хаёлий тарзда: золимлар хўрлаган, шафқатсиз яралаган мазлума хотин, қўллари боғлиқ мунгли аёл, кўзлари ёшли ғамли она қиёфасида тасаввур этади. Туну кун, ўнгдаю тушда хаёлини банд этган ўйлардан ажралишни тиламаган лирик қаҳрамон унга:

“ – *Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.*

Туроним, сендан айрилмоқ – менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдир.

Паноҳим, саждагоҳим, Умидим! (32-33-б.)

дея мурожаат этади. Жисму жонни туташтирган илтижо ва ёлворишларда шоирнинг бутун тилак-истаги, севги-мухаббати мужассам. Шу боис, ўтли сатрлар худди афоризмдай жаранглайди. Зотан, унга фидойи ўғилнинг бутун борлиғию кўнгил талпинишлари жо қилинган:

“ – Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?”

Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлигим билан сенга кўмак қилурга ҳозир. Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози” (33-б.).

Ўтли нафратга йўғрилган бадий матн билан танишиш жараёнида курашчан ўғлон озодлик ва эрк йўлида тоғларни талқон қилиш, жаҳаннам оловларини сўндириш, шайтонлар қўшинини маҳв этиш, оёғига ёпишган илонлар, кўзига санчилган зулм тиканларини писанд қилмай, фақат олға ва олға интилишга куч ҳамда қурб топа олган, юрт ўлимини истаганларга ўлим тилаган ботир арслон экани аён бўлади:

*“ – Мен сенинг учун тирилдим,
Сенинг учун яшарман,
Сенинг учун ўлурман.
Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи!
Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,
Нафрат сени кўмгани келганларга!”* (33-б.)

“Юрт қайғуси” (Темур олдинда) мансурасида Улуғ Султон сағанаси тупроғидан “ўзбек кўзлари учун сурма олғали” келган зиёратчи йигит юз йиллардан бери жафо чекиб яшаётган азиз элнинг муножот айтаётган вакили сифатида намоён бўлади. Унинг арз-доди: золимлар талаган турклик шарафи, Амир Темур асос солган давлат сарҳадлари қўлдан кетиб, хоқонлик ёғийлар қўлига ўтгани билангина чекланмайди. Лирик қаҳрамон Соҳибқирон шамшири остида дунё хўжаси бўлган турк-қарлуқлар эндиликда темир панжаралар исканжасида ўзига бир сокин ётоқ тополмай қолгани, унинг номуси, эътибори, иймони ва виждони золимлар оёғи остида топталгани, улоғи ва ўчоғи қўлдан кетгани, жаҳолат уни фикр-ўйдан, хушёрликдан айириб, ҳимматсиз, ҳамиятсиз қавмга айлантиргани каби ижтимоий-маънавий танг вазиятдан чиқиш йўлини излайди. Барчасига ўзини айбдор деб билиб, ўз-ўзини аёвсиз тафтиш этган қаҳрамон лоқайдлик туфайли омонатга хиёнат қилганидан хижолат чекади. Қилмишларига иқроор бўлади.

Бу шунчаки узрхоҳлик эмас, балки бағри ёниқ, қалби бедор кишининг олис шажаралар билан маънавий робитани тиклаш, Амир Темур руҳидан мадад олиб, Туроннинг олдинги шараф ва улуғлигини қайтариш мақсадида қилинган муқаддас аҳд – улуғ қасамёд эди. Шунинг учун ҳам Фитрат:

“ – Номусини бад кишиларнинг аёғлари остинда кўриб, турклик қони қайнағай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ оловлари каби сочрағай”, дея хитоб қилади (33-б.).

Дарҳақиқат, Фитрат сочма – мансуралари қадимтуркий аждодлар руҳидан маънавий қувват олиб, ўз даври ижтимоий-сиёсий жараёнларига фаол муносабат билдирган миллатимиз вакили (кенг маънода, ярали Шарқ зиёлиси)нинг дардли ва ўтли фиғонлари бўлиб жаранглади ҳамда бирдамликка даъват руҳи билан ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб турибди.

МУНДАРИЖА:

Адабиётшунос Сувон Мелиев – 70 ёшда! (Кириш сўзи ўрнида. М.Кўчқорова) 3

I ШЎБА. ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТ МАСАЛАЛАРИ

| | |
|---|----|
| Умуров Ҳотам. Илҳом – юракнинг ёниши | 5 |
| Nasirov Azmiddin. Talqinida tush tasvirining badiiy funksiyasi | 9 |
| Жўракулов Узоқ. Улуғлар анжумани..... | 11 |
| Ёқубов Ислонжон. Ҳозирги адабий жараён масалалари “ҳуқуқ ва адабиёт” ёхуд умуминсоний маънавият синтези | 14 |
| Қосимов Усмонжон, Тўлишева Гулзина. Адабий муҳит ва ижод муаммолари.. .. | 18 |
| Аҳмедова Шоира, Қодирова Насима. Адабий танқидда санъатга хос хусусиятлар..... | 21 |
| Тўлаганова Санобар. Бадиий асарда тасвир ва талқин муаммоси | 24 |
| Кўчқорова Марҳабо. Ҳалима Аҳмедова шеърятининг муҳим бадиий хусусиятлари | 29 |
| Улуғов Абдулла. Муҳташам дарслик ёхуд аллома адабиётшунос яратиги | 35 |
| Каримова Юлдуз. Тарих кўзгусида акс этган шуъла..... | 39 |
| Матёкубова Тозагул. “Мен – ўз халқимнинг тилиман” | 45 |
| Matyاقurov Sa’dulla. Ruhiyat tasviri ifodasida dialogning o’rni..... | 49 |
| Рустамова Ибодат. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ровий позицияси ва функцияси..... | 52 |
| Раҳимов Зокир. Бадиий вақт талқинида характер ва руҳият бирлиги | 56 |
| Давронова М. Фарида Афрўз шеърятисида шоирлик ва шеърят | 59 |
| Аҳророва Лола. “Отамдан қолган далалар” бадиий фильми ҳақида айрим мулоҳазалар | 63 |
| Qurbanbayev lhombek. Mansur Jumayev she’riyatida metafora izchil semantik aloqa vositasi sifatida..... | 68 |
| Жумаева Салима. Икром Отамурод шеърятисида теран тафаккур талқинлари..... | 71 |
| Шералиева Машхура. Эркин Аъзамнинг илк ижодида “романтик икки оламлик” хусусияти .. | 74 |

II ШЎБА. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

| | |
|--|----|
| Қобилов Усмон. “Мен Вомиқу сен – Узро...” | 77 |
| Ражабова Буробия. “Мажолис ун-нафоис”да маданий муҳит тасвири..... | 81 |
| Очилов Эргаш. Нодира ва Навоий | 86 |
| Эшонбобоев Абдурасул. Алишер Навоий асарлари танқидий матни муаммолари | 94 |
| Alimqulova Ma’rifat. Furqat g’azallarining badiiyati | 99 |

III ШЎБА. БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМАЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ

| | |
|--|-----|
| Абдуллаева Ровияжон. Мустақил Ўзбекистонда таржимачилик муаммолари..... | 102 |
| Бўронова Барно. Таржимада паремиологик бирликларни услубан мослаштириш..... | 114 |
| Атаджанов Фуломжон. Мақоллар таржимасида миллий руҳни сақлаб қолиш муаммоси..... | 117 |

IV. ШЎБА. ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

| | |
|---|-----|
| Mirzayeva Salimaxon, Mashrapova Gulsanam. Safar – “Malika ayvor” dostonining o‘zak motivi sifatida..... | 119 |
| Турғунов Шерали. Ҳарбадошми, харипдош?..... | 123 |

V ШЎБА. АДАБИЙ ЖАРАЁН, АДАБИЁТ ЎҚИТИШ, МУЗЕЙШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

| | |
|--|-----|
| Kenjayev T.A. Fitrat she‘riyatida poetik tafakkurning yangilanish va talqin etish tamoyillari..... | 126 |
| Ёқубова Севинч. Фитратона поэтик талқинлар..... | 131 |
| Шукурова Гули. Матёқуб Қўшжоновнинг жанг хотиралари туркуми..... | 134 |
| Шукурова Барчин. Луқмон Бўрихон ҳикояларида эстетик идеалнинг намоён бўлиши..... | 137 |
| Xidirova Munavvara. Ijod jarayoni sirlari yoxud Tog‘ay Murod saboqlari..... | 141 |
| Jo‘rayev Shukrullo. So‘z san‘ati va mahorat saboqlari..... | 144 |
| Yangibayeva Nodira. Biografik metodning adabiyotshunoslik tarixida o‘rganilishiga doir..... | 147 |
| Абдуллаева Шоҳиста. Михаил Булгаков ҳаёти ва ижодига доир кузатишлар..... | 150 |
| Sobirova Mohira, Sultonova Vazira. Adabiyot darsliklari haqida mulohazalar..... | 155 |
| Жумабоев Олимжон. Ҳозирги ўзбек насрида рамз..... | 159 |
| Рафиқова Дилдора. Ўзбекистон музейларида инновацион бошқарувни ташкил этишнинг афзалликлари..... | 161 |
| Alimova Z. Luqmon Bo‘rixon ijodi haqida ayrim mulohazalar..... | 164 |
| Мирҳайдарова Нодира. Ўзбек тилида “маънавият” умумий семали лексемаларининг тадқиқ муаммолари..... | 166 |
| Тошпўлатов Муҳаммадқодир. “Инсонлик истарман ҳаёт боғида”..... | 169 |

**«АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ»**
мавзусидаги филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Сувон Мелиевнинг 70 йиллик юбилейи муносабати
билан ўтказилган Республика илмий-назарий онлайн
анжумани материаллари

(2022 йил, 28 февраль)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2022

Мухаррир Мархабо Қўчқорова
Бадий муҳаррир Баҳром Ёғду
Мусахҳих Барчин Шукурова
Саҳифаловчи Муродилло Раҳмонов

Нашриёт лицензияси № 1385, 21.01.2021 й.
23.02.2022 йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60×84 ¹/₈. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табағи 21 Адади 100 нусха.
Буюртма рақами № 22-03.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриётида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.
100047, Тошкент ш., Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.
Тел.: +99899 791-75-55; +99871 262-21-54
e-mail: fan_ndk@mail.ru